

Ер участкаларини беришда замонавий ва шаффоф механизмларни жорий этиш борасида олиб борилаётган ислохотлар
Дилрабо Дадаева, “Геоинфоком” ДУК директори ўринбосари

Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонасига келиб тушаётган ер участкаларини беришдаги ҳуқуқбузарликлар ёки уларни асоссиз олиб қўйиш билан боғлиқ кўплаб муурожаатлар ер участкаларини беришнинг танлов тартиби лозим даражада йўлга қўйилмаганлигини кўрсатмоқда. Ваколатли органлар фаолиятида ер участкаларини бериш бўйича материалларни кўриб чиқиш ва келишишда ахборот-коммуникация технологиялари имкониятларидан тўлиқ ҳажмда фойдаланиш таъминланмаганлиги руҳсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни расмийлаштириш муддатларининг чўзилишига ва бюрократик тўсиқларга сабаб бўлиб келган.

Юқоридаги муаммоларни бартараф этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 28 январда “Ер участкалари бериш ва якка тартибдаги уй-жой қуриш учун ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини реализация қилишнинг замонавий ва шаффоф механизмларини жорий этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 63-сон қарори қабул қилинган ва ер участкалари беришнинг тартиб-таомилларини жадаллаштириш ҳамда соддалаштириш бўйича Низомлар тасдиқланган.

Шунга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси ҳузуридаги “Геоинфоком” давлат унитар корхонаси томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 30 июндаги 493-сон қарорига асосан ишлаб чиқилган “YERELEKTRON” автоматлаштирилган ахборот тизимида махсус модуль - “YERELEKTRON-63” яратилди ҳамда жорий йилнинг май ойидан буён юқоридаги қарор ижроси ваколатли органлар билан ҳамкорликда таъминланиб келинмоқда.

YERELEKTRON-63

Якка тартибдаги уй-жой қуриш ҳамда давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларини бериш бўйича ваколатли органлар билан келишиш тизими

Фойдаланувчи

Махфий ибора


Эслаб қолиш

Тизимга кириш

Давергеодезкадастр давлат қўмитаси
© 2019

Якка тартибда уй-жой куриш учун ер участкалари рўйхатини шакллантириш ва ер участкаларини аукционга қўйиш учун зарур материалларни тайёрлаш тартибининг “YERELEKTRON-63” орқали амалга оширилиш босқичлари

1-босқич: Туман (шаҳар) ҳокимликларининг аукцион орқали реализация қилишга мўлжалланган бўш ер участкалари рўйхати (кейинги ўринларда – рўйхат) ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасининг туман (шаҳар) филиали (кейинги ўринларда – давлат корхонаси филиали) томонидан тайёрланади ҳамда ҳар чорақда – кейинги чорақ ойининг ўнинчи санасигача янгиланади.



2-босқич: Рўйхат ва рўйхатга ҳар бир ер участкаси бўйича электрон шаклдаги материаллар илова қилинади ҳамда “YERELEKTRON-63” орқали туман (шаҳар) ҳокимлигига юборилади. Туман (шаҳар) ҳокимлиги рўйхат келиб тушган кундан эътиборан икки иш куни мобайнида рўйхатда кўрсатилган ер участкаларининг якка тартибда уй-жой куриш учун реализация қилиш бўйича мавжуд имкониятларни аниқлайди ҳамда рўйхатни “YERELEKTRON-63” орқали хулоса олиш учун туман (шаҳар) курилиш бўлимига юборади.

3-босқич: Туман (шаҳар) курилиш бўлими икки иш куни мобайнида ўз хулосасини тайёрлайди ва уни туман (шаҳар) ҳокимлигига “YERELEKTRON-63” орқали электрон рақамли имзо билан тасдиқланган электрон ҳужжат шаклида ёки кўчирилган нусха кўринишида юборади.

4-босқич: Туман (шаҳар) ҳокимлиги курилиш бўлимининг ижобий хулосаси келиб тушган кундан бир иш куни давомида “YERELEKTRON-63” орқали ушбу хулосани илова қилган ҳолда рўйхатни келишиш ва хулосалар чиқариш учун ваколатли ташкилотларга юборади.

5-босқич: Ваколатли ташкилотлар тақдим этилган материалларни икки иш куни мобайнида келишади ёки ер участкаларининг таклиф этилаётган мақсадига мослиги ёки мос эмаслиги ҳақида хулосалар тайёрлайди. Рўйхатдаги ер участкалари бўйича берилган келишув ва хулоса натижалари “YERELEKTRON-63” орқали туман (шаҳар) ҳокимлигига юборилади.

6-босқич: Рўйхатда назарда тутилган ер участкасини бериш тўғрисида қарор қабул қилиш туман (шаҳар) ҳокими ваколатига кирмаган тақдирда, туман (шаҳар) ҳокимлиги ваколатли ташкилотларнинг ижобий келишуви ёки ижобий хулосаси олингандан сўнг бир иш куни давомида тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига ер участкасига умрбод мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини аукционда реализация қилиш орқали

бериш учун тақдимнома ва унга иловаларни “YERELEKTRON-63” орқали электрон рақамли имзо билан тасдиқланган электрон ҳужжат шаклида ёки уларнинг кўчирилган нусхалари шаклида юборади.

7-босқич: Тақдимномада қайд этилган бўш ер участкасини бериш тўғрисида қарор қабул қилиш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ваколатига кирган тақдирда, тақдимнома ва унга илова қилинган ҳужжатлар келиб тушгандан сўнг беш иш кунида улар кўриб чиқилиб, қарор қабул қилинади ва “YERELEKTRON-63” орқали тегишли тақдимнома киритган туман (шаҳар) ҳокимлигига юборилади.

8-босқич: Туман (шаҳар) ҳокимлиги хулосалар (қарорлар) келиб тушгандан кейин бир иш куни мобайнида рўйхатни қайта кўриб чиқади, ундан салбий хулосалар берилган ер участкаларини чиқариб ташлайди ва рўйхатда қолган ер участкаларини давлат корхонаси филиалига “YERELEKTRON-63” орқали юборади.

9-босқич: Давлат корхонаси филиали қурилиш бўлими билан биргаликда беш иш куни мобайнида 0,04 гектаргача ва ушбу ҳажм доирасидаги бўлган ҳар бир ер участкасига (лотга) индивидуал рақам беради, чегара бурилиши нуқталари координаталари ҳамда бурилиш нуқталари ўртасидаги чегара чизиғи узунлигини кўрсатган ҳолда ер участкаси режасини тузади, чегарадош ерлар чегараларини тавсифлайди ҳамда туман (шаҳар) ҳокимлигига “YERELEKTRON-63” орқали юборади.

10-босқич: Туман (шаҳар) ҳокимлиги 2 иш куни давомида ер участкасининг энг паст нархини ер участкасини танлаш материалларини тайёрлашга кетган харажатларни қўшган ҳолда белгилайди.

11-босқич: Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг раиси, вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими ҳар чоракда бир марта ер участкасининг минимал нархини тасдиқлайди.

12-босқич: Туман (шаҳар) ҳокимлиги икки иш куни давомида: объектнинг аукционга қўйилиши ҳақида қарор қабул қилади; аукционга қўйиладиган ер участкалари (лотлар)нинг рўйхатини зарур материаллар ва ахборотни электрон шаклда илова қилган ҳолда тайёрлайди;

“YERELEKTRON-63” орқали “E-IJRO AUKSION” ягона электрон савдо майдончасида аукционни ташкил қилиш ва ўтказиш учун операторга электрон рақамли имзо билан тасдиқланган буюртмани юборади ва шу босқичда “YERELEKTRON-63”нинг фаолияти яқунланади.

The screenshot shows the website interface for the E-IJRO AUKSION auction platform. The main content area displays the following information:

- Lot No 0123276 • Бўш ер участкаси - Y-1733212/891-1176-001**
- Аукционда иштирок этиш учун электрон аризаларни қабул қилиш**
- Аукцион ўтказиш вақти:** 28.10.2019 09:00 дан 18:00 гача
- Аризалар қабул қилишнинг яқунлиши:** 28.10.2019 00:00
- Савдоларни ўтказиш тури:** Очик аукцион
- Аукционни ўтказиш услуби:** Нархни ошириб бориш
- Баҳаланган нархи:** 1 246 160.00 UZS
- Закалат пули миқдори (50%):** 623 080.00 UZS
- Биринчи қадам баҳоси (5%):** 62 308.00 UZS
- Аризалар қабул қилишнинг яқунлишига:** 23:07:56:37 (Кун, Соат, Минут, Секунд)

Below the main content, there is a table with four columns:

Мулк маълумотлари	Лот маълумотлари	Сотувчи маълумотлари	Закалат пулини тўлаш учун банк реқвизитлари
Уникал рақами Y-1733212/891-1176-001	Бўш ер участкасининг майдони (га) 0.04	Участканинг жойлашган мазанили Хогазм viloyati, Qo' shko' rig' tumani, aholi punkti	Бўш ер участкасининг белгиланган мақсади Якка тартибда уй-жой қуриш учун